
ҚУВАСОЙНИНГ “ЦЕМЕНТЧИ” ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИ БИРИНЧИ ЛИГА ЙЎЛЛАНМАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИЛАР!

5-14 декабрь кунлари Бухоро шаҳрида футбол бўйича ҳаваскор ва ярим профессионал жамоалар ўртасида 2022 йилги вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси биринчиликлари ғолиблари ўртасида биринчи лигага ўтиш турнири якунланди.

Мусобақада муваффақиятли иштирок этган Қувасойнинг “Цементчи” жамоаси футболчилари, гуруҳ саралаш баҳсларида зафар қучиб, чорак финалда “Сергели”, ярим финалда “Жиззах” жамоалари устидан ғалаба қозондилар. Финалга юксалган қувасойликлар регламентга кўра, 2023 йилги мавсумда Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида иштирок этиш хукуқини қўлга киритдилар.

Иккинчи йўлланма соҳиби Бухоронинг “Нурафшон” жамоаси билан ўтказилган финал учрашуви 1:1 ҳисобида якунланди, пенальтилар бўйича бухороликлар устун келдилар.

Эслатиб ўтамиз, Биринчи лигада ўтган мавсумдан бери Олтиариқнинг “Дўстлик” жамоаси ҳам иштирок этиб келади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#) Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-12-15 10:12:18